

## АРАБ ТИЛИ ХАТИНИГ ТУРЛАРИ

<https://doi.org/10.70728/phil.v05.i02.044>

Мамаражабов Мирқосим  
Ренессанс таълим университети

**Аннотация:** Ушбу мақола араб хаттотлик илмининг тарихини ва ривожланишини ўрганишга қаратилган бўлиб, айниқса, араб тилшунослигига қўшган улкан ҳиссасини таҳлил қилади. Мақолада хат турлари илмининг илмий назариётчилари, илмий тадқиқот ишлари, ўзига тегишли тафовутлар ва улар ўзига хос илмий мунозаралар чуқур таҳлил қилинади. Мақсад араб тилида хаттотлик илмининг ривожланишдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, бу илмнинг араб грамматикаси илми ўрганишда ўзаро фикр алмашувини бошлашдир.

**Калит сўзлар:** Араб тили, Хаттотлик сулс хати, насх хати, муҳаққак, райҳоний хати, риқоъ хати, тавқеъ хати, грамматика, шарқшунос, тарих, калима, табақа

## VARIETIES OF ARABIC HATINIG

Mamarajabov Mirkosim  
Renaissance University of Education

**Abstract:** This article is devoted to the study of the history and development of Arabic calligraphy and to the analysis of its significant contribution to Arabic linguistics. The paper provides an in-depth analysis of scholarly theorists of calligraphic script styles, their academic research, distinctive characteristics, and the specific scholarly debates associated with them. The aim of the study is to examine the role and importance of the art of calligraphy in the development of the Arabic language and to initiate scholarly discussion on the interaction between calligraphy and the science of Arabic grammar.

**Keywords:** Arabic language, Arabic calligraphy, Thuluth script, Naskh script, Muhaqqaq, Rayhani script, Rika script, Tawqi' script, grammar, orientalist, history, word, tabaqa

Кириш: 28 ҳарфдан иборат бўлган араб алифбосининг дастлабки шакли хатти маъқалий деб аталган. Маъқалий хати куфий хатигача бўлган қадимий ёзувлардан бўлиб, унинг ҳарфлари бутунлай текис - ёйик, тик чизиқлар билан

ифодаланган бўлиб, ҳеч бир ҳарфида думалоқ шакл бўлмаганлиги билан куфий хатидан ажралиб туради.

Бу хатни “маъқалий” дейилишига сабаб шуки, милодий 623 да шу ном билан аталувчи иккита шахс яшаган - бири Маккада Маъқал ибн Синон ал-Асжий, иккинчиси Басрада Маъқал ибн Ясор ал-Музанийларнинг бирига нисбат берилганлигини билдиради. Аммо мазкур хат узоқ истеъмолда бўлмаган, шуҳрат қозона олмаган. VII асрдан бошлаб унинг ўрнини араб ёзувининг энг қадимийси ва энг машҳури ҳисобланган хатти куфий эгаллайди.

Куфий хати. Араблар фатҳ қилинган ерлардаги девонларни араблаштирув ва тартибга солишдан аввал барча мусулмонлар учун ўқишга осон бўлган ёзувни танлаш устида бош қотирадилар. Оқибатда куфа аҳли ўрганган хат турининг аниқ ва чиройлироқ бўлгани сабаб бошқа шаҳарларда жорий хат турларидан кўра ушбу хат турини танлайдилар. Шундай қилиб, куфий хати давлатнинг барча ноҳияларида қўлланиладиган ёзув турига айланиб қолди. Бу хат нукталардан холи бўлиб, ўзининг соддалиги ва безаклардан холилиги билан ажралиб туради. Бу ёзув тури геометрик шаклларга асосланган бўлиб, ёзувида фақат тўғри ва доиравий чизиқлар қўлланади. Бу хат туридан асрлар давомида бошқа турли хил араб хатлари вужудга келган. Ҳар асрнинг куфий хати турлича ўзгариб, турли вилоятларда унинг турли хил шакли қўлланганлиги ҳамда у ишлатилган аср ва минтақага қараб, унга турли номлар берилган (масалан, V аср куфийси, VII аср куфийси, мамлуклар куфийси, андалус куфийси). Шу заминда ундан етмишдан ортиқ шу турдаги хат тарқалади.

Куфий хати деб номланиши ҳақида бир неча фикрлар бор:

а. Куфа шаҳрида ижод этилгани учун Куфага нисбати берилиб «куфий» дейилган;

б. Замонамиз олимларидан Бухоролик машҳур хаттот Абдулғофир Раззоқ Бухорий эса бу ҳақда шундай деганлар: “Икки дунё саодати бўлмиш Қуръони карим ҳам мана шу хатда битилган.

Тадқиқот методологияси. Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу бошчилигида Қуръон китобат қилинди ва бир неча нусхада кўчиртирилди. У зот Қуръонни мана шу асл нусхадан кўчиришни буюрдилар. Шулардан бир нусхаси Куфа шаҳрига юборилган. Кейинчалик Ироқ, Хуросон, Ўрта Осиё халқлари мана шу Куфа шаҳрига юборилган Қуръондан нусха кўчирганлари учун у “Куфий Қуръон” ва “Куфий хати” деб атала бошлади ва шундай қилиб, “куфий” атамаси хат оламига кириб қолди. Шунингдек, уммавийлар замонида VII аср охирида тангалар куфий хатида зарб қилина бошлади. Кейинчалик куфий хатига нукталар, эъроблар (замма, фатҳа, касра) қўйилди. Тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, тарих илмларининг шиддат билан ривожланиши хат ёзишнинг ҳам тез, раво ва қулай бўлишини тақозо қилар эди. Куфий хати эса анча мураккаб бўлгани учун

замон талабларига тўла жавоб бера олмасди. Илоҳий илҳом орқали куфий хати асосида пайдо бўлган араб хатининг биринчи ихтирочиси бағдодлик Абу Али ибн Муқла (ваф.338/950 й.) ҳисобланади. Ибн Муқла маъқалий (куфий) хати асосида араб ёзувининг етти хил асосий турини ихтиро этган. Бу кишидан кейин Шайх Жамолiddин Ёқут Жазоирӣ (277-397/891-1007 й.й.) (алайҳи раҳма вал мағфира) Ибн Муқла таълимоти асосида муҳаққак ва машҳур олти хатни мукаммаллаштиради. Шунингдек, у насх хатининг ихтирочиларидан биридир. Манбаларда қайд қилинишича, Шайх Жамолiddин Ёқут Қуръони каримни ёқут хатида форсий таржимаси билан бирга минг адад кўчирган. Кейинчалик Ибн Баввоб (ваф.мил.1022 й.) ҳам хат услубининг гўзаллигини мукаммаллаштиради ва 36 хат туридан 17 хилини ихтиро қилади. Буюк хаттот Ёқут (XIII аср) ва бошқа улуғ хаттотлар араб ёзувига сайқал бериб, уларнинг янада мукаммал, жозибадор бўлишига ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшганлар, хатдаги услубларни охирига етказиб, такомиллаштирганлар”.


Араб хатининг турлари (2-қисм). Хат санъати ҳақидаги барча рисоаларда хабар қилинишича, хатти маъқалий ва куфий хати асосида араб ёзувининг санъаткорона яратилган олти хил асосий хат услуби шаклланди. Улар:

1. ثلث - сулс хати - тўрт баҳраси текис, икки баҳраси юмалоқдир.
2. نسخ -насх хати ихтирочиси машҳур санъаткор хаттот Ибн Муқлаъ ҳисобланади.
3. محقق - муҳаққак - бир бўлак қисми текис бўлиб, қолган бўлаклари юмалоқ шаклдадир
4. ریحانی - райҳоний хати - муҳаққакдан келиб чиққан. Муҳаққак ва райҳоний хатининг ихтирочиси Ибн Баввоб бўлган.
5. توقیع - тавқеъ хати - ярим текис, ярим юмалоқ чизикдан ташкил топган.
6. رقاع - рiqоъ хати - кўпчилик ҳарфлари бир-бирига курама қилиб ёзилади. Тавқеъ ва рiqоъ ихтирочиси маълум эмас. [6]

Айрим олимлар таълиқ хатини ҳам бу олти хат ёнига қўшиб, асосий хат услубларини етти тур қилиб кўрсатадилар. Таълиқ хатининг ихтирочиси Абульол номли шахс деб кўрсатганлар. Текшириб кўрилганда Абульол ихтиро этган таълиқ хатининг график асослари куфий хатидан келиб чиқиб, бу хат форсий матнларни ёзиш учун ихтиро қилинган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, муҳаққак биринчи услуб, райҳоний хати ундан келиб чиққан. Сулс учинчи услуб, насх хати ундан келиб чиқарилган. Бешинчи услуб ҳисобланган тавқеъ хатидан сўнгги олтинчи хат рiqоъ келиб чиққан. Бу хат услубларини қуйидаги чизмада кўриш мумкин: [2,В.25]

Мазкур хатларнинг ҳар бири алоҳида ўринларда қўлланилган: муҳаққак - қасида ва шеърлар ёзишда, сулс - илмий асарлар ва хат йўл-йўриқларида;

райҳоний ва насх - қисса ва хабарларда; тавқиъ - буйруқ ва фармонларда; риқоъ - мактубларда ишлатилади.



Муҳокама. Бу олти асосий услубнинг ҳар бири ингичка ва йўғон қаламларда ёзилиши натижасида яна ўн икки хил хатни ташкил этган.

1. Муҳаққақ. Бу хатнинг кўпроқ қисми текис, тикка чизикли ҳарфлар узун ёзилади. Ўрамларнинг учи ингичка бўлиб тугайди, қолган бўлаклари думалоқ шаклдадир. Шунинг учун бу хатнинг маъқалий ва куфий хатларига ўхшашлиги бошқа хатларга нисбатан кўпроқдир. Шу сабабдан Ибн Муқла бошқа турдаги хатлардан биринчи деб билгани учун бу хатга муҳаққақ деб ном берган.

2. Райҳоний. Куфийдан келиб чиққан бу хатнинг ёзилиши шакл жиҳатидан райҳонга ўхшаш бўлиб, айланма шаклли ҳарфлар сулс хатига қараганда ётиқроқ ва чўзиқроқ ёзилади. Райҳоний хатнинг ихтирочиси Ибн Баввоб (ваф.мил.1022 й.) бўлган.

3. Сулс. Аҳолининг ижтимоий шароити ва санъатнинг гуллаб-яшнаши билан каллеграфия талаблари яна ошди. Эндиликда бир-бирига асосан ўхшаш бўлган хат турларидан сезиларли фарқ қилувчи янги хат турига эҳтиёж туғилди. Шу йўсинда сулс хати вужудга келди. Хатнинг бу тури масжид ва мадрасалар пештоқларини безай бошлади. Сулс хати - ҳарфларни бир-бирининг ораларига жойлаб, санъаткорона композициялар тузиш йўли билан ҳар хил чиройли шакллар ясаш имконияти бўлгани билан ажралиб туради. Бу хатда безак белгилар ҳам катта аҳамият касб этади. Сулс - бир нарсанинг учдан бир ҳиссаси ёки учинчи ҳиссаси, демакдир. Сулс хати дейилишига сабаб шуки, бунда қаламнинг учинчи ҳиссаси ишлатилади ёки сулс хати таълимида қаламнинг учдан бир ҳиссаси кўпроқ ишга солинади. Мазкур ёзув услубида “алиф”, “дол”, “лом” ҳарфлари гажакли бўлади. Бошланишда тикка чизикларнинг уч қисми чангаксимон бошланиб, охири нафис бурама билан тугайди. Ибн Баввоб биринчи бўлиб сулс хати ҳарфлари шаклининг нуқталарига асосланган ва сулс хатининг график асосларини ихтиро этган.

4. Насх. “Насх” нинг луғавий маъноси “ўчириш, бекор қилиш” демакдир. Бу хат тури ихтиро қилингандан то ҳозирги кунгача хаттотлар томонидан кенг қўлланилиб келинади. Ислом маданияти тараққий топиб бошлагач, композицион санъат турлари бўлмиш нақш ва ўймакорлик санъатлари кенг тарқалди. Мусулмон санъати аҳли бу руҳни ёзувга ҳам олиб киришга ҳаракат қилиб, янги хат турларини кашф қила бошладилар ва уларга кўпроқ безакли шакллар беришга уриндилар. Оқибатда хаттотликда муайян қоида ва нормалар ишлаб чиқилди. Бу хат турлари олдингиларидан фарқли ўлароқ геометрик шаклларга эмас, балки нафис оғма шаклларга асосланган. Бу хайрли ишлар бошида аббосийлар давлати вазири Ибн Муқла (ваф. 328 ҳ.) туради. Шундай қилиб, ўз тузилиши ва кўриниши билан аввалги куфий хатидан анча фарқ қилувчи ёзув турлари кашф этилди. Уларнинг бошида насх хати вужудга келиб, (бу хат турида) илгари мусҳафлар I аср куфийсида битилган бўлса, эндиликда улар янги кашф қилинган насх хатида ёзила бошлади. Бу хат тури юзага чиқиб, шуҳрат қозонгандан кейин бошқа хатларнинг барчаси «мансух» қилинган, яъни ишлатишдан қолдирилган. Насх хати тез ва равон ёзилгани, кўзга гўзал ва бежирим ташлангани учун ҳам у матбааларда чоп этиладиган китобларда асосий ёзув вазифасини ўтаган. Ҳозирги даврда энг кенг тарқалган ёзув бўлиб, бу хатдан замонавий матбуот ва адабиётлар чоп этишда фойдаланилмоқда.

Илмий адабиёт ва қўлёзмаларда кўп учрайдиган ғубор хати насх хатининг майда қаламда ёзилишидир. Матнлар махсус рақамда жуда майда қилиб ёзилгани учун ғубор деб айтилган. Ғубор хатининг ихтирочиси - Саид Қосим бўлиб, у бир дона гуручга ғубор хати билан Ихлос сурасини ёзган.

5. Тавқиъ. Хатнинг ярми текис, ярми юмалоқроқ чизикдан ташкил топган бу ёзув тури маъқалий ва куфий хатларига ўхшайди. Тавқиъ дейилишига сабаб шуки, илгари қозилар қозихона ҳужжатларининг бошига ёзиладиган сўзларни шу хат билан ёзганлар. Қозилар ва ҳокимлар ҳужжатларни тавқиъ хати билан имзолаганлар (Идора ва маҳкамаларда фармонларга, мактубларга, қўлёзмаларга тавқиъ услубида имзо қўйилган).

6. Риқоъ. Риқоъ “руқъа” сўзининг кўплиги бўлиб, қоғоз парча, мактублар демакдир. Риқоъ хатида ҳарфлар бир-бирига қурама қилиб ёзилади. Бу ёзув тури усмонийлар ҳукмронлиги даврида катта шуҳрат қозонган ва кенг тарқалган. Кўпинча, мактублар, кишиларга юбориладиган номалар шу хат билан ёзилган. Тавқиъ ва риқоъ хатларининг ихтирочиси маълум эмас.

7. Таълиқ. Таълиқ осилиб турувчи, илинган ёзув маъноларини англатади. Бу хат аслида риқоъ бўлган. Уни ҳар ким турли шаклларга айлантириб, ундан бир равиш ихтиёр қилган. XV асрда пайдо бўлган бу ёзув туридан, асосан, расмий ва шахсий хатлар ёзишда, ҳужжатлар битишда фойдаланганлар. Мазкур ёзув ҳарфлари юқоридан чапга кенгроқ ҳолда ёзилади. Хожа Тожиддин Сулаймон шу

услугбни ихтиро қилган кишилар жумласидандир. Бу киши ихтиро қилган таълиқ хати риқоъ хатининг шохчасидир. Бу хат иншо ва мактубларга тегишли бўлиб, мунший (иншо ёзувчи)лар уни чўзиб ёзганлар. Айрим олимлар таълиқ хатининг ихтирочиси Абульол номли шахс деб кўрсатганлар. Абульол ихтиро этган таълиқ хатининг график асослари куфий хатидан келиб чиққан бўлиб, бу хат форсий матнларни ёзиш учун ихтиро қилинган. Юқоридаги хат турлари хаттотлар тилида “Ал-Хутут ас-сабъа” (“Етти хат”) деб юритилади. Хаттотман, деган ҳар бир инсон шу хатларни билиши зарур бўлган.

Хулоса. Араб ёзувининг турлари ва ривожланиши тарихий жиҳатдан узоқ ва мураккаб жараён бўлиб, унинг асоси маъқалий ва куфий хатлардан бошланган. Куфий хати араб ёзувидаги энг қадимий ва машҳур хат услуби ҳисобланиб, ундан кейин турли ҳудуд ва асрларда янги хат турлари пайдо бўлган.

Ҳозирги кунда араб хатининг асосий етти услуби - муҳаккақ, райҳоний, сулс, насх, тавқиъ, риқоъ ва таълиқ - ўзаро фарқланиб, муайян мақсад ва ёзув турларига мос қўлланилади. Ҳар бир хат услуби ўзининг геометрик ёки эстетик хусусиятлари билан ажралиб туради ва улардан маълум ёзув ишлари, ҳужжатлар, мактублар, илмий асарлар ва санъат асарларини яратишда фойдаланилган.

Шу тарзда, араб хат санъати ва унинг услублари фақат ёзув учун эмас, балки мусаффо эстетик ва илм-фан мақсадларига хизмат қилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу хат турлари тарихий ривожланиш жараёнида ҳамда замонавий матбуот ва адабиётда ҳам қўлланиб келмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Салимжон Собиржон ўғли. Қаламдан тўкилган гўзаллик мақола <http://info.islom.uz/new/index>.
2. Абдулқодир Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент: Фан нашриёти, 1971. -Б.25.
3. Ҳабиб. Хат ва хаттотон. Тошбосма. ЎзФА ШИ № 3640, -Б.20.
4. Ҳабиб. Хат ва хаттотон. Тошбосма. ЎзФА ШИ № 3640, -Б. 20.
5. Оинаи ирфон, Муталлимин ва муаллимин, № 8777, 5-сон, -Б.32.
6. Али Саъдий. Қомуси Исманий. № 1698. -Б.18.
7. Исоқхон. Жамеъ ул-хутути Исоқхон ЎзФА ШИ, № 621, -Б. 59-122-123.
8. Мирсиддиқ Ҳишмат. Тазкират ул-салотин., № 34. -Б.2.
9. Исмоилий Ҳаққи. Тадрисоти ибтидоия. ЎзФА ШИ, № 13177. -Б. 112-120-123.
10. Муҳаммад Хафид. Дуррул мунтахаббот, № 2282, -Б.359.
11. Аҳмад Рафиқ. Тарихи умумий. № 1760, -Б. 446.

12. Муҳаммад тоҳир. Ажойиб ут-табоқот. ЎзФА ШИ Фонди. Тошбосма. № 2779.

13. Абдулқодир Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент: Фан,